

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАР ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ХУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Содик ЮЛДАШОВ

профессор

юридик фанлар бўйича (PhD) фалсафа доктори

Tashkent international university

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш кафолатларига доир 1992 йил 8 декабрдаги Конституция ва янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги нормалар ўзаро таққосланган ва унда белгиланган кафолатлар ўрганилиб таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: “шарт-шароит яратади”, “кафолатлайди”, “таъминлайди”, “ғамхўрлик қилади”, “рағбатлантиради”, “чоралар кўради”, “кўмаклашади”, “имконият яратади”.

КОНСТИТУЦИОННО-ПРАВОВЫЕ ГАРАНТИИ ЗАЩИТЫ ПРАВ ГРАЖДАН В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

Содик ЮЛДАШОВ

профессор

доктор философии по (PhD) юридическим наукам

Tashkent international university

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В данной статье исследуются и анализируются гарантии обеспечения прав и свобод человека в Конституции от 8 декабря 1992 года и Конституции Республики Узбекистан в новой редакции.

Ключевые слова: "создает условия", "гарантирует", "обеспечивает", "заботится", "поощряет", "принимает меры", "помогает", "создает возможности”.

Конституциянинг яратилиши башарият тарихининг ёрқин ифодасидир. Чунки, ҳар қандай Конституциянинг олий мақсади – инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устувор эканлигини эътироф этиш бўлиб, бу барча Конституцияларнинг ўзига хос хусусиятидир.

Аммо, Конституцияда ҳуқуқ ва эркинликларнинг белгилаб қўйилиши ва ўрнатилиши масаланинг бир томони бўлса, иккинчи ва муҳим томони унинг амалий ижросини таъминлашга йўналтирилган аниқ чора-табдирлар кўрилганлигида намоён бўлади.

Энг эътиборлиси, Конституцияда белгилаб кўйилган ҳуқуқ ва эркинликларни рўёбга чиқариш кафолатлари бўлиб, бунинг ифодаси Конституциянинг 2-моддасида назарда тутилган “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар” [1], деган коидада ўз аксини топди. Шунингдек, “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари” деб номланган Х бобида инсон ҳуқуқларини кафолатлашга доир алоҳида нормалар (43–46-м.) белгилаб кўйилди. Мамлакатимиз тараққиётининг ўтган даврида инсон ҳуқуқлари кафолатлари соҳасига доир ҳуқуқий база кенгайтирилиб, уни амалга ошириш механизмлари шакллантирилди.

Халқимиз таклифлари ва истаклари асосида қабул қилинган Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституциясига “чоралар кўради” ва “кўмаклашади” каби кафолатнинг янги турлари киритилиб, ушбу Конституцияда ўз аксини топган давлатнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган мажбуриятлари 8 та, яъни “шарт-шароит яратади”, “кафолатлайди”, “таъминлайди”, “ғамхўрлик қилади”, “рағбатлантиради”, “чоралар кўради”, “кўмаклашади” ва “имконият яратади” каби маъноларда ифодаланган.

Конституциянинг марказий қобиғини ташкил этувчи инсон ҳуқуқ ва эркинликларига доир нормалар 3 баробарига кўпайиши фонида бу ҳуқуқ ва эркинликлар кафолати 3,1 баробарга ёки 17 тадан 53 тагача оширилди. Кафолатлар турлари кесимида таҳлил этилганда, шарт-шароитлар яратиш 1 тадан 13 тага, кафолатлаш 8 тадан 13 тага, таъминлаш 4 тадан 12 тага, ғамхўрлик қилиш 1 тадан 4 тага, рағбатлантириш 1 тадан 4 тага кўпайган. Конституция нормалари чоралар кўриш (4 та) ва кўмаклашиш (2 та) каби кафолатнинг янги турлари билан тўлдирилган бўлиб, бу чин маънода, Конституциянинг 54-моддасида белгиланган “Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсадидир”, деган норманинг амалий ифодасидир.

Конституциянинг бўлимлари мисолида олиб қаралганда, кафолат турлари “Асосий принциплар” деб номланган биринчи бўлимга 1 тага, “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” деб номланган иккинчи бўлимга 34 тага, “жамият ва шахс” деб номланган учинчи бўлимга 17 тага ва “Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши” деб номланган бешинчи бўлимга 1 тага тўғри келган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳам ваколатлари доирасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг кафолатлари Конституцияда белгилаб қўйилганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, Конституциянинг 108 ва 109-моддаларида Президент фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш ва уларни амалга оширишнинг зарурий чора-тадбирларини кўришга оид нормалар белгилаб қўйилган. Шунингдек, Конституциянинг 115-моддасида Вазирлар Маҳкамаси ва 139-моддасида Суд ҳокимиятининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга доир қоидалар қайд этилган.

Конституциянинг 20-моддасида назарда тутилган “Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди.

Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади”, деган нормалар мутлақо янги ва ишончли кафолатдир.

Шунингдек, Конституциянинг 21-моддасида қайд этилган “Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши

мумкин эмас”, деган қоида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги давлат томонидан эътироф этилганлигидан далолат беради.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг “Инсон ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари” деб номланган X боби (54–58-м.)да кафолатлар алоҳида белгиланди. Жумладан, 54-моддада назарда тутилган “Давлат инсон ҳамда фуқаронинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди”, деган қоиданинг асл моҳияти Конституцияда белгилаб қўйилган барча ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашни давлат ўз зиммасига олганлигини, бу давлатнинг масъулият (мажбурият)и эканлигини аниқлаш тушунчадир.

Конституциянинг 55-моддасида қайд этилган “Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади”, деган демократик нормалар ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошишини таъминлашга йўналтирилган кучли восита бўлиб, Конституциянинг ўзида тўғридан-тўғри кўрсатиб қўйилди.

Ушбу моддада назарда тутилган судга мурожаат қилиш ҳуқуқи институти инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашнинг ишончли кафолатидир. Айниқса, ушбу модданинг 4-қисми “Ҳар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли”, деган қоида билан тўлдирилиши мурожаат қилиш ҳуқуқи институтининг халқаро ҳуқуқ стандартлари талаблари асосида янада кенгайганлиги ва бир мунча такомиллашганлигидан далолат беради.

Буни амалга ошириш тартиб-таомиллари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги ПФ-6012-сон Фармони билан тасдиқланган “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари

бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталари хабарномалари ва қарорларини кўриб чиқиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ” [2] да батафсил берилган.

Унга кўра, инсон ҳуқуқлари бўйича қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аризачи — БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органи ёки шартномавий қўмитасига яқка тартибдаги хабарномани тақдим қилган шахс ёки унинг вакили;

БМТнинг устав органлари (Бош Ассамблея, Хавфсизлик кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий кенгаш, Халқаро суд, Васийлик кенгаши ва Котибият [3;80]) ва шартномавий қўмиталари – инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш ваколатлари Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган БМТнинг органлари (Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита; Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари бўйича қўмита; Ирқий камситишларнинг барча турларига барҳам бериш бўйича қўмита; Аёлларнинг камситилишини барча турларига барҳам бериш бўйича қўмита; Қийноқларга қарши қўмита; Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита; Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмита; Меҳнат муҳожирлари ва улар оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қўмита; Мажбурий йўқолишлар бўйича қўмита; Қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ва қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазонинг олдини олиш бўйича қўйи қўмита [3;115] ва бошқ.).

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталарининг қарори – БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича тузилмаси ҳужжати бўлиб, хабарнома мазмуни бўйича қарор ёки мулоҳаза кўринишида қабул қилинади;

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталари тартиб-таомилларида ўрнатилган мезонлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) аризачи ҳуқуқий ҳимоянинг мавжуд миллий воситаларидан, жумладан суд ҳимоясидан фойдаланганлиги;

б) аризачи томонидан далил қилиб кўрсатилаётган инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳолати тегишли халқаро шартнома Ўзбекистон Республикаси учун кучга кирганидан кейин юз берган бўлиши;

в) хабарнома аноним бўлмаслиги, шунингдек, тегишли халқаро шартномаларнинг иштирокчиси бўлган Ўзбекистон Республикаси юрисдикцияси остидаги шахслардан юборилган бўлиши;

г) шахс тегишли халқаро шартнома бузилиши оқибатида жабрланганлигининг етарли даражада асосланганлиги (тасдиқловчи далилларнинг келтирилганлиги, тегишли ҳужжатларнинг илова қилинганлиги);

д) айтилган бир иш бўйича муурожаат такроран амалга оширилмаган бўлиши (агар аввал БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича шартномавий қўмитаси айтилган муурожаат юзасидан инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолати мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор чиқарган бўлса, шикоят мақбул эмас деб топилади);

е) хабарнома ишни ҳал қилишнинг бошқа халқаро тартиб-таомилига мувофиқ кўриб чиқилмаслиги.

Ишчи гуруҳ давлат органларидан келиб тушган маълумотларни белгиланган муддатларда кўриб чиқади ва Ўзбекистон Республикасининг асосланган жавобини тайёрлайди.

Хабарноманинг мақбуллиги тўғрисидаги жавоб Марказ томонидан, ўз навбатида, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталарига тақдим этилиши учун Ташқи ишлар вазирлигига юборилади.

Хабарнома мақбул эмаслиги сабабли рад этилган тақдирда, унинг асослари тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда кўрсатилади.

Агар БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ёки шартномавий қўмиталари хабарноманинг мақбул эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилса, ишчи гуруҳ фаолияти тугатилади.

Марказ беш иш куни ичида кўриб чиқиш учун мақбул деб топилган хабарномани таҳлил қилади ва унинг мазмунидан келиб чиқиб, тегишли давлат органлари учун саволларнинг асосий рўйхатини белгилайди ва қўйилган масалалар юзасидан ахборот тақдим қилиш учун сўровномалар юборади.

Тегишли давлат органлари ўн беш иш куни ичида қўйилган масалалар юзасидан асосланган далилларни ва тайёрланган ахборотни тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга Марказга тақдим этади.

Марказ зарурат туғилганда (жавоблар етарли бўлмаса, тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаса), аниқлик киритиш мақсадида қўшимча сўровномалар юборади.

Марказ Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой ичида давлат органларидан олинган ахборотни умумлаштиради, Ўзбекистон Республикасининг жавоби лойиҳасини тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикасининг жавоби Марказ томонидан, ўз навбатида, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталарига тақдим этилиши учун Ташқи ишлар вазирлигига юборилади.

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталари томонидан тегишли хабарнома юзасидан қабул қилинган қарор келиб тушган вақтидан бошлаб ўн кун ичида Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Марказга юборилади.

Марказ БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталари томонидан тегишли хабарнома юзасидан қабул қилинган қарорни суд тартибида кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судига юборади.

Қабул қилинган ёки режалаштирилган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборот Марказ томонидан, ўз навбатида, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталарига тақдим этилиши учун Ташқи ишлар вазирлигига юборилади.

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органи ёки шартномавий қўмитаси қарорида белгиланган зарарни қоплаш учун тўлов (компенсация) миқдори суд тартибида белгиланади.

Келиб тушган хабарномалар ҳамда БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталари қарорларининг ижро этилиши устидан мониторинг Марказ томонидан амалга оширилади.

Мухтасар айтганда, янги таҳрирдаги Конституцияда мурожаат қилиш ҳуқуқи доирасини янада кенгайтириш, кафолатларнинг юқори даражада ошиши, уни таъминлаш механизмларининг кучайтирилигидан пировард натижада фуқаролар ўз ҳаётида Конституция руҳини ҳис этишига, халқнинг давлат ҳокимияти органларига бўлган ишончи кучайишига, энг муҳими, Конституция нормаларининг ҳаётда реал ўрнини топишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Адолат, 2023.
2. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.05.2023 й., 06/23/67/0269-сон.
3. Gafurova N., Sattarov D. Xalqaro tashkilotlar huquqi: darslik. – Toshkent: Toshkent davlat yuridik universiteti, 2023.